

ГЛОБАЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭКОЛОГИК АХЛОҚНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

XX асрнинг кейинги ўн йилликларида жамиятнинг ижтимоий, маънавий ва ахлоқий сиёсий ривожланиш тенденциялари ҳозирги даврда илмий техника инқилобининг оқибатлари “табиат ва жамият, инсоният мажмуаси муносабатлари йўналишларини белгилаб боришида экологик тафаккур билан ижтимоий экологик борлиқ ўртасидаги диалектик бирликни, экологик фаолликни ва маъсулиятнинг янги сифат даражаларини вужудга келтирмоқда. Тарихий тараққиётнинг объектив ривожланиш қонуниятларидан келиб чиққан глобал муаммолар, инсоннинг ахлоқий муносабатининг омили сифатида кўзга ташланмоқда. “Экологик силсилалар (тарихий ходисалар) инсоннинг марказида бўлганлиги учун эмас. Балки инсон тарихий ҳодиса сифатида марказий ўрини эгалаганлигидан келиб чиқади”. [Отв. ред. Н.И.Лапин. С.324.]

Табиатга ахлоқий муносабатларнинг муқобил фалсафий ёндашувининг методологик асослари жамият ва табиат ҳақидаги тасавурларнинг детерминат қўламини белгилаб боришдадир, экологик муаммоларни бартараф этишда бу жараённинг муҳимлиги сиёсий, иқтисодий ва маънавий маданий ҳамжиҳатликни талаб этиши миллий манфаатларнинг моҳиятидан келиб чиқишига иқдор бўлиш мумкин.

Экологик ахлоқни ва воқеаликни фалсафий изоҳлаш тўғрисида, асослашнинг моҳиятида давлат сиёсати сиёсий асослари ва унга таяган ҳуқуқий тартибга солувчи юридик асослар ташкил этади. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида қонун, [Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон,] Ўзбекистон Республикаси қонуни табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида. [Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон].

Экологик қонунларни, илмий ютуқларини амалиётда тадбиқ этилиши, экологик вазиятни назорат қилиш, экологик ҳавфсизликни таъминлаш негизида давлат ва у томонидан таъминланиши муҳимлиги белгилангандир. Ўз навбатида ҳуқуқий нормалар уларнинг самарадорлиги жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ва ривожланиш даражасига ва жаҳон цивилизациясининг тажрибаларини ўзлаштириш имкониятига боғлиқ бўлади. Зеро жаҳон цивилизациясига даҳлдор бўлган энг замонавий илмий билимларни эгаллаб туриб, мамлакат тараққиётини белгилаш кийингидир. Табиат ва жамият муносабатлари ҳақидаги илмий фалсафий дунёқарашга эга бўлмасдан, давлат сиёсатини демократлаштирмасдан қонун устиворлигини таъминланмасдан, экологик ахлоқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш мумкин эмас. Шунинг учун ўзбек фалсафа илми методологиясида жаҳон фалсафаси андозаси даражасига кўтариш ва белгилаб олиш, тадқиқотчилик йўналишларини асослаб олиш, уларни талаб даражасида эканлигини тушуниш фуқаролик жамияти олдидаги асосий вазифаларни белгилаб беради. Ижтимоий воқеаликнинг барча соҳаларида бўлгани каби табиат ва жамият муносабатларини ўрганиш жараёни илмий ёндашувларнинг асосида шаклланиб экан, уларнинг бугунги ҳолати ва келгуси ҳаёти учун муҳим бўлган жараёнлардан бири ахлоқий нормалар механизмларидир. Фалсафа фанининг борлиқ (моддийлиги ёки маънавийлигидан қатъий назар) ҳаракат шакллари туркумлаштиришга доир анъанавий, нисбатан турғун, классик-императив тамойиллари асосида, жамият субъектлари ўртасидаги муносабатларни - конкрет ижтимоий ҳаракат ва ахлоқий муносабат шакллари контекстида таҳлил қилинса, уларнинг йўналишлари, мазмуни, моҳияти, хусусиятлари, функционал аҳамияти, истиқболи конкретлашади. Шу жумладан, экологик ҳаракатларнинг негизида ахлоқий муносабатнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари ижтимоий ҳаракатларнинг ички динамикаси контекстида кўриб чиқилса, уларнинг морфогенезидаги: умумийлиги ҳам, мазмун-моҳияти конкретлиги ҳам, ривожланиш даражалари ўртасидаги алоқадорлик ҳам аниқланади. Илмий тадқиқотларнинг йўналишларини белгилаб олиш айнан ахлоқий фаолият механизмларнинг шаклланиш хусусиятларига боғлиқдир. З.Абдуллаева. С.Мамашокиров. С. Пулатов. А.Ҳукумов. Т. Куйлиев. Э.Ҳошимова [Ҳошимова Э.; Мамашокиров С.; автореферат] тадқиқот намуналарида айнан янги замон талабларига мос келадиган табиат ва жамият

алоқадорлигининг тадқиқ қилиш ва фойдалиниланган фалсафий методологик концепцияларнинг моҳияти ва мазмуни, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва қиёлаш натижасида умумий хулосалар чиқаришни ҳам тақазо этадиган жабҳларни ўрганишни заруратга айлантиради.

Натуралистик, исьтемомчилик ва алармизм каби йўналишларда экологик инқироз сабабларини ўраниш, ҳаракатлар стратегиясини ўсиш суъратларини белгилаш, гармоник ривожланиш ва экологик ревалюциялар, табиатни муҳофаза қилиш барқарор ривожлантириш ва бошқа муқобил концепциялар жамият, табиат алоқадорлигини ўзига ҳос тарзда акс эттиришини тарихда ва ҳозирги кунда мавжуд бўлган қарашлар асосида ифодалайди. Мазкур концепцияларнинг муфассал ривож қатор илмий адабиётларда баён этилган. Жамият ва табиат тўғрисидаги натуралистик концепция қадимда юзага келган бўлиб, унда табиат жамиятдан устун қўйилган ва илоҳийлаштирилгандир. Кейинчалик у янги даврларда социал дарвинизм кўринишида табиат қонунларининг жамият ҳаётига тадбиқ этишдан ва қўллашда намон бўлади. Бу концепцияга муофиқ жамиятда ҳам табиатнинг табиий танлаш қонуни сақланиб қолади. Ҳозирги кунда натуралистик концепция табиатга аралашмаслик кўринишида намоён бўлмоқда. Мисол учун Ғарб олилардан А.Швейцернинг [А.Швейцер “Благавения перед жизнью” М: 1992 г.с 5-16] илмий изланишларини олиб ўрганиш натижасида шундай хулосалар келиб чиқадики, Алберт Швейцер ахлоқий фикрлашни олам билан маънавий ва ички алоқани аниқлаш сифатида, ҳаётни яратиш сифатида ахлоқий муносабатни ўргана бошлаш керак деган ғояни илгари суради. Табиатни, жамиятдан фақат инсон ва табиатни бузувчи утилитаристик ахлоқдан воз кечиш ва ҳаёт олдидаги ҳурматдан иборат бўлган универсал ахлоққа ўтиш шароитидагина қутқариш мумкин деб ҳисоблайди. А.Швейцернинг қатъий ишончига кўра, экологик ахлоқнинг ахлоқий-фалсафий асослари сифатида олиб қараш лозим. Зеро, у универсал этикани яратди, унга кўра жониворларга нисбатан ахлоқий муносабат инсоннинг олдидаги атроф-муҳитга масъуллиқ бурчини эслатиш билан яқун топди. Мутафаккир, қачонки аслида инсон ўзини ўраб турган барча нарсаларга тааллуқли эканлиги борасида фикр билдирса, инсоннинг инсонга қандай муносабатда бўлишини ўрганиш кераклиги ҳақидаги тасаввурларни мужассамлаштиради шундгина у мақсадга интилади. Агар инсон ҳаётни сақланиб қолишга ва фаровонликка ҳисса қўшса, ҳаётни ҳурмат қилиш, ахлоқий муносабатни муносиб тарзда олиб боришига иқдор бўла олади, табиий ва ҳаққоний равишда эзуликларни амалга оширса, ва агар ёвузлик ҳаётни барбод қилса, у ҳолда табиий ва ахлоқий муносабатнинг асосий тамойилларини ярата олишга қодир бўлади.

Исьтемомчилик концепциясида жамият қонунлари табиат қонунларидан устун қўйилиб, тарихда бу оқимнинг капиталистик руҳияти асосида ифолаш мумкин. У ўз моҳиятига кўра фойда кетидан юривчи фалсафий парадигмасидаги прагматизмдир. Инсон табиатдан эҳсон кутиб яшай олмайди балки уни мажбур қилади деган шиор остида фаоллашади ва мазмун моҳиятини ифодалайди. Ривожланган мамлакатларда илмий техника инқилоби асосида исьтемомчилик концепциясига қарама-қарши ҳолда алармизм концепцияси вужудга келди. Алармизм концепцияси немиз тилидан “ваҳима”, “ҳавотир” деган маънони билдириб, унинг асосий мақсади экологик инқирозларни ўрганиб, уларни олдини олишда сабабларини тадбиқ этишдан иборатдир. Бу йўналиш тарафдорлари яшиллар партияси оқимини ташкил этиб, экологик муаммоларга қарши туришда экологик ҳаракатларга қиёсий тус беришга интилоқда.

Экологик инқироз сабаблари концепцияси экологик фожеаларнинг бош сабабини асосан демографик омиллар билан изоҳлаб, яъни аҳолининг тез суъратлар билан ўсиши ва ривожланиши асосида фаоллашади. Аҳоли сони ўсиши табиий ресерсларга кўра уларни умумлаштириш ва тенглаштириш концепциянинг бош мақсади ҳисобланади. Бу борада Пол Эречнинг қарашларини методологик хусусияти шундан иборатки, экологик алармизм, скептизм, пессимизмнинг мутлоқлаштирилиши ҳозирги экологик воқеаликнинг реал ҳолатига ҳам ривожланиш тенденциясига ҳам мос келмайди. Зеро бу концепцияларнинг негизида ахлоқий экологик фаолиятнинг мутаносиб ривожланган ҳолати мавжуд эмас.

Ҳаракатлар стратегияси концепциясида экологик фожеаларнинг техник ва демографик сабабларини излашда қуйидаги хусусиятларни тақазо этади:

1. Табиатга аралашмасликка қақариш. Бунда инсоннинг табиий ўзгариш хусусиятларига узининг эгоцентриқ фаолиятини бошқармаслика чорлайди. Бу йўналиш биосфера тизимига ҳос бўлиши табиий, зеро инсонлар ҳаётини табиатсиз тасаввур этиб бўлмайди.

2. Табиатга фаол антропоген таъсир жараёнида унинг конунларини ўзлаштириш, тирик мавжудотларга мутация жараёнларини суъний амалга ошириш инсоннинг доимий ошиб бораётган моддий эҳтиёжларини қондириш имкониятини очиб беради.

3. Киши организими шиддат билан ўзгараётган табиий муҳитга мослаштириш имкониятини топиш орқали экологик инқироздан чиқиш мумкин. Бу жараён табиатдаги ўзини тарибга солишга мослашиш ва табиат конунларини жамият конунларига қўчириш орқали юз бериши зарурлиги назарда тутилган. Демак, экологик фаолият стратегияси концепциясида табиат ва жамиятнинг объектив конунлари ҳисобга олинмайди.

Амалий этикани ва ахлоқий билимнинг тўғридан-тўғри амалий маконга тадбиқ қилишга йўналтирилган шакли ахлоқий экологик фаолиятнинг муҳим бўғини ҳисобланади, шунингдек, ахлоқ, илмий жиҳатдан текширилган фаолиятни ўрганиш ва жамиятни ҳаётий фаолиятининг амалиётига жорий қилиш усулларини англаш, танқид қилиш ва асослаш каби тадқиқотларнинг самарали эканлигини тушунтиради.

Экологик ахлоқ ғояси кучли фуқароликка оид таркибий қисмга эга бўлган ахлоқий билим ва амалиёт сифатида асосланган, чункиэко-ахлоқнингзамонавий мақомида шакллантирилиши аслида фуқаролик жамияти томонидан амалга оширилиши зарурдир. Шунингдек, ахлоқнинг замонавий экологик муаммоларни ҳал этишнинг катализаторига айланишининг амалий имкониятларини очиб берувчи воситалардан бири эканлиги аҳамиятлидир. Экологик муаммоларни ҳал этишга олиб келувчи алоҳида инсоннинг амалий қадамлари индивидуал амалиётлар жараёнида ўзгаришларни содир этиши мумкин. Агар инсон табиатни сақлаб қолиш мақсадида ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини минималлаштиришга, ишлаб чиқариш учун қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланилган маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланишда ўзини қатъий равишда чеклашга интилса, у ҳолда унинг иродаси ва ахлоқий муносабатига оид ҳаракатлари экологик аскетизм йўналишидаги ахлоқий муносабатнингт такомиллаштириш жараёнини акс эттирувчи эко-ахлоқий ҳаёт стратегиясини шакллантириш имкониятини очиб беради. Жамоавий [М.М.РОҒОЖА,15-с] ҳаракатга мисол сифатида яшил консюмеризмни кўрсатишимиз мумкин. Эко-уюшмаларнинг (эко-коммуна) аъзолари ўз хааркатларини табиат билан ўзаро уйғунликдаги муносабатларни ўрнатишга йўналтир- гандилар. Индивидуал кишилар амалиёти, экологик аскетизм, яшил консюмеризм, эко-уюшмалар ва экологик ижтимоий ташкилотларнинг фаолияти фуқаролик жамиятининг экологик муаммоларни ҳал этиш ва давлатнинг экологик сиёсатини шакллантиришга таъсир кўрсатиш имкониятлари призмаси орқали ўрганилади. Фуқаролик жамиятида алоҳида шахе ва ташкиллаштирилган гуруҳнинг ҳаракатлари экологик ҳалокатнинг олдини олиш йўлидаги ўзгаришларнинг катализатори бўлиш имкониятига эгадир.

Экологик ахлоқни шакллантириш жараёнида тарихий тараққиёт босқичида муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепциясида жамиятнинг экологик талаблари, эҳтиёжларни жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш имкониятларига мослаштиришни ёқлаб чиқилади. Бу ҳақда чех олими Б.Г.Грижимек: “ Экологик инқирозни олдини олиш, унинг оқибатларигақарши курашишдан кўрадоимо бир нечабор қулайроқ” деб ёзади. [Б.Г.Грижимек с. 56]

Экологик концепцияларда табиатга оқилон муносабатда бўлиш ва фойдаланишнинг ўзига хос оптимал вариантларини илгари суришдир. Бу концепцияларнинг ўзига хос бўлган умумий хусусияти шундан иборатки, уларнинг инсон омили ва манфаатлари йўлида эътироф этилишида намоён бўлишидадир.

Хулоса қилиб, биоэтика ва экологик ахлоқ инсон ва табиатнинг ўзаро уйғунлашган тизимли ривожланишини таъминловчи инсоният ва табиат манфаатларининг нисбатини назарда тутати. Шу аснода жонли табиат объектларига таъсир кўрсатган ва булардан ўз мақсадларида фойдаланган ҳолда, инсон уларнинг имкониятлари ва манфаатларини ҳам ҳисобга олиши шартини белгилаб беради. Табиатга нисбатан маънавий-ахлоқий муносабатдаги асосий ўзгариш маънавий қадриятларни қайта баҳолашни тақозо этади, чунки мазкур ҳолатда табиат бўғинларининг инсон ва унинг эҳтиёжлари учун қадрият сифатида ҳисобга олмаган ҳолда мустақиллигини эътироф этиш зарурдир.

Табиат объектларига маънавий тамойилларни қўллаш ҳисобига анъанвий инсонпарварликнинг кенгайиши юз беради. Инсоннинг ўз худбинлигидан бош тортиши ва бутуй табиат оламига нисбатан ҳурмат кўрсатишига мўлжалланган шахсий хатти- ҳаракатларининг янгича маънавий меъёрлари

ишлаб чиқилади. Шу аснода экологик ахлоқ ва биоэтика концепцияси инсоният ва барча қолган биомухит манфаатларининг оқилона нисбатини эътироф этиб фаоллашади. Ҳаёт тўғрисидаги замонавий билимларнинг инсонпарварликасосиэкология, биология фанлариманфаатларига мос равишда ўзгартирилган фалсафий ва ахлоқий билимлар мажмуасига замин яратувчи билимлар негизини ифодалайди. Бу глобал биоэтика ва экологик ахлоқнинг фундаментал шаклини яратишда экологик ахлоқий қоидаларининг услубий асосини ташкил этиб боради.

ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Философское сознание: драматизм обновления. Отв. ред. Н.И. Лапин.-М. Политиздат, 1991. С.324.
2. Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 52-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Узбекистан Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда.
3. Узбекистан Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда; Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда; 1997 й., 4-5-сон, 126-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Узбекистан Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 36-сон, 365-модда.
4. Хошимова Э. «Диалектика глобального, регионального и локального в экологии» Автореф. д-ра. филос. наук.-Ташкент: Уқитувчи, 1992; Мамашокиров С. Экологик ҳавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-сиёсий омиллари. Фалс.фан.док. дис.. автореф.- Тошкент, 1997.
5. А.Швейцер “Благавения перед жизнью” М: 1992 г. с 5-16.
6. М.М. РОГОЖА, “ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ЭКОЛОГИК ЭТИКА: НАЗАРИЙ- АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАР.” Мақола 2003й. Миллий авиация университета, Украина, Киев шаҳри, Космонавт Комаров проспекта.
7. Экологические очерки о природе человека (Под. ред. Б.Г.Грижимек)-М:”Прогрес” 1988 гс. 56.
8. Вершок И. Л. Теоретические проблемы формирования экологического правосознания.: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Минск, 2004. - 20 с.
9. Намазова, Юлдуз Музаффаровна. "ГЛОБАЛ ФУҚАРОЛИК РУҲИДАГИ ТАЪЛИМ." ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ. 2019.
10. Абдуллаева, Н. (2023). Эффективные методы организации научной деятельности студентов. in Library, 22(2), 113-125. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21747>
11. Zikirova, N., et al. "Interactive Strategies and Methods of Education." *International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE)* ISSN (2019): 2277-3878.
- 12.